

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 25 март, № 62 (4725)

Чоршанба



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналишидаги маърузасида таъкидланганидек, кичик бизнеснинг илҳом ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Натижада кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги улуши 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроги шу соҳада меҳнат қилапти.

Шунинг учун жорий йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омил сифатида янада ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади. 2009 йилда ҳужжалик юритув-

(Давоми 2-бетда).

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон томонидан 2002 йил 5 октябрда Душанбе шаҳрида имзоланган Ўзбекистон — Тожикистон Давлат чегараси тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши бўйича ратификация ёрлиқларини алмашиш маросими бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

Ҳозирги вақтда барча зарур ички давлат процедуралари тегишли тартибда якунига етказилган. Шартноманинг 9-моддасига мувофиқ, у 2009 йил 24 мартдан, яъни Ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланган кундан кучга кириди.

Шартнома икки мамлакат ўртасидаги Давлат чегараси аксарият қисмининг бугунги кунга қадар маъқулланган ўтиш линиясини тасдиқлайди.

Икки давлат ҳукуматлараро комиссиялари ишининг навбатдаги босқичи 2009 йил охиригача қолган кичик участкаларни делимитация қилиш жараёнини якунига етказиш ва Ўзбекистон — Тожикистон Давлат чегарасини халқаро ҳуқуқ меъёрига тўла мос равишда демаркация қилишдан иборатдир. Шартноманинг кучга кириши Давлат чегарасининг қисқа фурсатда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига, ҳавфсизлигини таъминлашга, икки мамлакатнинг ҳамкорлигини дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик асосида янада ривожлантиришга хизмат қилади.

(ЎзА).

САНОАТИМИЗНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Мустақиллик берган имконлардан бири — Ўзбекистонни хом ашё ўлкасидан қайта ишлаш саноати юксалиб бораётган мамлакатга айлантириш, десак ўринли бўлур эди. Бу борада Президентимиз ташаббуслари ва оқилона йўл-йўриқлари қувончли натижалар бермоқда.

«Б»

МОДЕРНИЗАЦИЯ

«Б» ешариқ текстиль» корхонасида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар намуналари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада намойиш қилинаётганда, бир қатор хорижий фирмалар менежерлари унга қизиқиб қолишди. Шундан кейин улар корхонада бўлиб, унинг имкониятлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари, шу ернинг ўзиде тайёрланаётган газламалар сифати билан яқиндан танишдилар.

Бу йилги Наврўз байрами арафасида корхонанинг тўла қувват билан ишга туширилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Таъкидланганидек, Бешариқдаги эски тўқимачилик корхонаси негизда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб

(Давоми 2-бетда).



МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

Илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1993 йил 28 сентябрь кунин БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган барча манфаатдор давлатлар ва халқаро ташкилотлар саъй-ҳаракатлари билан минтақадаги ҳар бир давлатнинг олий манфаатлари йўлида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси амалга ошди.

Ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажрибани синчковлик билан ўрганиш ҳамда глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш ишидаги бевосита ролини белгилаш орқали ана шундай Марказий Осиё ташаббусининг пайдо бўлиш имконияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси 1997 йил февраль ойида қабул қилинган Олма-Ота декларацияси асосида қўшилди. 2002 йил 27 сентябрь кунин Тошкентда Туркманистон томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Мазкур ҳужжат ядровий тарқатмаслик соҳасидаги

ўзаро сиёсий ишонч муҳитини яратди.

1997 йил 15 сентябрда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусидаги халқаро конференция ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш йўлидаги муҳим воқеа бўлди. Анжуман давомида ядровий портлатиш мосламалари доимий равишда тақиқланадиган ҳудудларни кенгайтиришга интилаётган минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатлари ижобий баҳоланди. Анжуман якунига кўра, тегишли шартномани тайёрлаш учун Минтақавий экспертлар гуруҳи (МЭГ) тузилди.

1997-2002 йиллар давомида БМТнинг Куролсизлишни масалалари бўйича департаменти ҳамда Атом энергияси

Биз ва жаҳон

бўйича халқаро агентлик экспертларининг фаол кўмагида Женева, Ашхобод, Тошкент шаҳарларида, икки марта — Саппорода ҳамда Самарқандда мазкур гуруҳнинг бир қатор ишчи учрашувлари ўтказилди. 2002 йил 27 сентябрь кунин Самарқандда бўлиб ўтган сўнгги учрашув доирасида Шартномани имзолаш маросимини Семипалатинск шаҳрида ўтказишга

келишиб олинди. 2002 йилнинг иккинчи ярмида БМТ бош қароргоҳида «ядровий бешлик» (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция) экспертлари билан икки марта маслаҳат учрашуви ўтказилиб, уларнинг якунига кўра, ҳужжат лойиҳасига қатор тузатиш ва тақлифлар киритилди.

2005 йил 7-9 февраль кунлари Тошкентда МЭГнинг еттинчи учрашуви «ядровий бешлик»га аъзо мамлакатлар, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик ҳамда БМТнинг Ҳуқуқий масалалар бўйича департаменти тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, Шартноманинг матни юзасидан Марказий Осиё мамлакатларининг умумий ёндашуви борасида келишиб олинди.

2006 йил 8 сентябрь кунин имзоланган ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, «ядровий бешлик» мамлакатлари — Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франциянинг фаол кўмаги ҳамда иштирокида кенган минтақа давлатларининг кўп йиллик ўзаро фаолияти самараси бўлди. Шу ўринда мазкур ташаббус БМТга аъзо барча давлатлар, шу жумладан, ядро қуролига эга мамлакатлар томонидан ҳам қўллаб-қувватлангани ва Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳамда тямолар ўртасида келишува эришишда илк бор бевосита иштирок этган БМТнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Дунёнинг энг нуфузли «Фитч рейтинг» халқаро рейтинг компанияси томонидан шу йил 18 мартда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкига банкнинг молиявий ҳолати, яъни молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига узоқ ва қисқа муددатли ҳамда умумий узоқ муددатли йўналишлари бўйича барқарор рейтинг баҳолари берилди.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» — ЖАҲОННИНГ ЭНГ ИЛГОР БАНКЛАРИ ҚАТОРИДА

«Микрокредитбанк» ушбу рейтингга бутун иқтисодий фаолиятини муваффақиятли юритганлиги ва шакллантирилганлиги, МДХ мамлакатларидаги худди шундай банклар ўртасида ўзининг кредитлар бериш лаёқати, аиникса, хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларининг самарадорлиги, сифатли кредит портфели тўғрисида эришти.

Бу хушxabар бутун дунёда инқироз кетаяётган ҳозирги даврда мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими барқарорлигини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганидан, зарур ресурслар базаси мавжуд эканлигининг даволат беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада соғлиқни сақлаш муассасалари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Яқинда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Тошкент туманидаги Навоий фуқаролар йиғини ўрамадаги қишлоқлар аҳолиси «Hyundai-Мобиль клиника»си ёрдамида тиббий текширувдан ўтказилди.

Текширув жараёнида кўплаб оналар ва болалар, кексаларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилган бўлса, айримларига даволашни учун тавсиялар берилди. Корея халқаро соғлиқни сақлаш — хотира жамғармаси томонидан тақдим этилган ушбу мобиль клиниканинг афзаллиги шундаки, у республикамизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий текширувдан ўтказиш имкониятини беради.

С. АБЪАМХУЖАЕВА.

Бухорода Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Тошкент баҳори» болалар ижодий кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Бухорода «Тошкент баҳори»

Унда Бухоро шаҳридаги 5-умумтаълим мактабининг «Болалар» гуруҳи томонидан тайёрланган «Насриддин янги Тошкентда» сахна кўриниши юқори баҳоланди. Фолиб жамоа кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Газ қувурлари мукамал таъмирланади

2009-2012 йиллар мобайнида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида



271,1 километр узунликдаги юқори ва паст босимли газ қувурлари мукамал таъмирдан чиқарилади.

Ана шу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиши билан бирга, қишлоқ аҳоли пунктларидаги 178 мингта уйнинг газ таъминоти яхшиланади.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Қарши давлат университети жамоаси Наврўзи олам муносабати билан шаҳардаги 3-Меҳрибонлик уйида хайрия тадбири ўтказди.

Меҳрибонлик уйида хайрия тадбири

«Келажак — ёшларнинг қўлида» деб номланган мазкур анжуманда болақонларга кийим-кечаклар, спорт анжомлари ва турли-туман совға-саломлар улашилди.

Тадбир сўнггида талабалар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



УЗУМЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Самарқандда узумчиликни ривожлантириш масаласига бағишланган худудий семинар бўлиб ўтди.

Унда «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси мутасаддилари, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги узумчиликка ихтисослашган агрофирма ва фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур анжуманда соҳани ривожлантириш, узумни қайта ишлаш корхоналари қувватидан самарали фойдаланиш, қуритилган ва ҳўл узум экспортини ошириш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айни пайтда соҳага ихтисослашган фермерларга хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш, хусусан, уларни имтиёзли кредит, сув, минерал ўғит ва кимёвий препаратлар билан таъминлаш ҳақида тақлифлар билдирилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Маълумки, 2008 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

учун иқтисодий рағбатлантириш воситалари яратилгани, лицензиялар бериш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилгани қайд этилган. Айни вақтда баҳоловчи ташкилотларнинг фаолияти замонавий талабларга у қадар жавоб бераётганига алоҳида эътибор қаратилган.

ХОЛИС БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ушбу қарор асосида ишлаб чиқилган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни парламентимиз қўйи палатаси томонидан 2009 йил 22 январда қабул қилинган.

— Қонун баҳоловчи ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган янги модда билан тўлдирилган экан...

бурий талаблар» деб номланган янги таҳрирдаги 13-моддада ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари баҳоловчи ташкилотни ташкил этиш ҳуқуқига эга эмас.

— Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларни мукаммаллаштириш учун яна қандай маълумотлар талаб қилинади?

— Амалдаги «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига оид талаблар» деб номланган 17-моддасига киритилаётган ўзгартишлар бундан янада ойдинлаштирилади.

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси олдидан

гиздек, унда баҳоловчи ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Хусусан, баҳоловчи ташкилотларни тузишда ҳисобга олиниши лозим бўлган шартлар аниқлаштириб қўйилмоқда.

қайси ҳижратлари янада аниқ очиб берилган?

— Қўйимиз томонидан сенаторлар муҳокамасига киритилаётган мазкур Қонунда «Баҳоловчи» (4²-модда), «Баҳоловчининг ёрдамчиси» (4³-модда) тушунчаларини очиб берадиган, уларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаётган нормалар ўрин олган.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА РАҒБАТ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида «Камолот» таълим грантлари талови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Танлов

Танловда ғолиб бўлган, олий ўқув юртида шартнома асосида тахсил олаётган ёшларга контракт пулининг 50 фоизи тўлаб берилиши давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунаси.

Одина Жамолиддинова. — Қувонарлиси, лойиҳада қатнашган ёшлар ўз истеъод ва қобилиятлари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловларга кўмаклаши билишларини намояндалар.

Жорий йилда таълим грантига номзодлар сони 500 нафардан ошиб кетди. Танлов ҳайъати аъзолари энг муносиб номзодлар билан суҳбатлашиб, уларнинг билими, етакчилик қобилияти, жамоат ишларида фаоллиги, ҳаракат фаолиятидаги иштирокига бўлган лаёқатини эътиборга олди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шартномага кўра, унга аъзо ҳар бир томон ҳеч қандай ядровий қурол ёки ядровий портловчи модда буйича тадқиқотларни амалга оширмади, ишлаб чиқармади, уларнинг захираларини яратмаслиги ёки бошқа йўл билан қўлга киритмаслиги, эгаллик ҳудуд назорат қилмаслиги мажбуриятини олади.

Кечгани маълум. Шу ўринда Қозғистон Республикаси Семипалатинск шаҳрида имзолаш маросимини ташкил этгани, Қўрғизистон Республикаси депозитар вазифасини бажараётгани, илк маслаҳат учрашуви эса Тожикистон Республикасида бўлиб ўтганини таъкидлаш жоиз.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси (10.05.2007), Қўрғизистон Республикаси (27.07.2007), Тожикистон Республикаси (13.01.2009), Туркманистон (17.01.2009) ҳамда Қозғистон Республикаси томонидан (19.02.2009) ратификация қилинганидан сўнг, 2009 йил 21 мартдан бошлаб кучга кирди.

«Бу — илгари ядровий қурол мавжуд бўлган минтақада яратилган илк ядро қуролидан холи ҳудуддир», дейилади баёнотда.

Шартнома Протоколага кўра, расмий тарзда ядровий қуролга эга бўлган давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Америка Қўшма Штатлари ва Франция Республикаси) ушбу ҳужжатни имзолаши ва ратификация қилиши керак.

«Бу — илгари ядровий қурол мавжуд бўлган минтақада яратилган илк ядро қуролидан холи ҳудуддир», дейилади баёнотда. БМТ Бош қотиби, шунингдек, Шартнома илк бор барча иштирокчиларга ҳужжат қўлга киритилган кейин 18 ой ичида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик билан Кафолатлар тўғрисидаги қўшимча протоколни имзолаш ҳамда Ядровий синовларни тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги шартнома бажариш мажбуриятини юқлашига эътибор қаратган.

Шартномага кўра, унга аъзо ҳар бир томон ҳеч қандай ядровий қурол ёки ядровий портловчи модда буйича тадқиқотларни амалга оширмади, ишлаб чиқармади, уларнинг захираларини яратмаслиги ёки бошқа йўл билан қўлга киритмаслиги, эгаллик ҳудуд назорат қилмаслиги мажбуриятини олади.

«Бу — илгари ядровий қурол мавжуд бўлган минтақада яратилган илк ядро қуролидан холи ҳудуддир», дейилади баёнотда. БМТ Бош қотиби, шунингдек, Шартнома илк бор барча иштирокчиларга ҳужжат қўлга киритилган кейин 18 ой ичида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик билан Кафолатлар тўғрисидаги қўшимча протоколни имзолаш ҳамда Ядровий синовларни тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги шартнома бажариш мажбуриятини юқлашига эътибор қаратган.

М. Тўраев, Амударё туманидаги «Тўраев Маматқолиев» фермер хўжалиги раҳбари.


Марказий Осиедаги барча беш давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласидаги ушқоққ ағалий саяё-ҳаракатлари самаралари

«МИКРОКРЕДИТБАНК» — ЖАҲОННИНГ ЭНГ ИЛГОР БАНКЛАРИ ҚАТОРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида банкнинг устав капиталга 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, 150 миллиард сўмга етказилиши белгиланган эди.

ЙИЛ РАВНАҚИ НАВРЎИДАН МАЪЛУМ



Жонажон Ўзбекистонимизнинг кўп миллатли аҳолиси қаторида қорақалпоқ аҳли ҳам Наврўз — умумхалқ байрамини кўтаринки руҳда, аъло кайфият билан кутиб олди.

Ана шу кутлуг айём арафасида, анъанага кўра, республикаимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари ҳамда овулларида тансик кўклам таомлари билан безатилган файзли дастурхон атрофида маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар ташаббуси билан ташкил этилган турли тадбирларда Президентнинг тўғри раҳнамолигида юртдошларимиз кўлга киритган ютуқлар алоҳида қайд этилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга танқидий баҳо берилди.

ерга чигит қадамочимиз. Сабаби, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони нига кўра, хўжалигимизнинг экин майдони 142 гектарга кенгайди.

Бундан ташқари, қолган ерларга сабзавот ва полиз экинлари уруғини экиб, халқимиз дастурхонини ана шу нёъматлар билан тўкин-сочин қилмоқчимиз.

Яқинда Бутунжаҳон Микромолиявий ташкилотларининг ахборот алминини — «MIX-MARKET» агентлиги хисоботига кўра, «Микрокредитбанк» Марказий Осие ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътибор этилди.

Бу йилги режамиз бўйича эса, 82 гектар

Бундан ташқари, қолган ерларга сабзавот ва полиз экинлари уруғини экиб, халқимиз дастурхонини ана шу нёъматлар билан тўкин-сочин қилмоқчимиз.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

иштирок этган тадбирга маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқий муҳофиза қилувчи ва назорат органлари, банклар раҳбарлари тақдир қилинди.

САНОАТИМИЗНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чиқарадиган акциядорлик жамияти барпо этилди. Чунки пахта тозалаш корхоналаридан келтирилган тонали қайта ишлаш ҳисобига шу ернинг ўзида халқаро стандартларга мос келадиган «34.40.50» русумли калава ип йиғирилиб, ундан «Рибина», «Интерлок», «Рика», «Супрем» деб аталадиган матолар тай-

тори Рустамжон Пулатов. — Сабаби, у чидамли бўлиши билан бирга, иссиқликни бир маромада ушлаб турадики, айни шу жиҳати инсон танаси учун фойдалидир.

Корхонанинг чинакам оёққа туриб олиш даври аслида Президентимизнинг «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг бошланди, десак, муволага бўлмайди. Нега деганда, ана шу ҳужжат асосида Ислоҳ Тараққиёт банки томонидан 4 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит жалб қилинди.

«Жуки» фирмасидан тикув машиналари, АҚШнинг «Гербер» корхонасидан эса тўлиқ компьютерлаштирилган дизайнёр дастгоҳлари, бичиш, қирқиш ва дазмоллаш машиналари келтирилиб, ўрнатилди. Натижада бу ерда пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён тўлиқ ўзлаштирилди.

«Жуки» фирмасидан тикув машиналари, АҚШнинг «Гербер» корхонасидан эса тўлиқ компьютерлаштирилган дизайнёр дастгоҳлари, бичиш, қирқиш ва дазмоллаш машиналари келтирилиб, ўрнатилди. Натижада бу ерда пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён тўлиқ ўзлаштирилди.

Ушбу маълумотлар давомида тадбиркорларнинг банклардан кредит олишлари, кредитни қайтариш мuddатлари ва фоизлари, ер ажратиш, қурилиш учун лойиҳалар тайёрлаш, солиқ соҳасида жорий этилган имтиёзлар ва бошқа масалалар бўйича савол-жавоблар бўлди, тақдирлар билдирилди.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бундан ташқари, вилоятда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандчилигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Бундан ташқари, Германиянинг «Трунчлер» ва «Шляхфост» компанияларидан йиғирув

Хозирда корхонада 400 нафардан зиёд бешариклик ёшлар меҳнат қилишмоқда. Улар барча замонавий дастгоҳларни, компьютерлаштирилган асбоб-ускуналарни мохирона бошқармоқдалар.

Хозирда корхонада 400 нафардан зиёд бешариклик ёшлар меҳнат қилишмоқда. Улар барча замонавий дастгоҳларни, компьютерлаштирилган асбоб-ускуналарни мохирона бошқармоқдалар.

Биз ана шу ёшларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

«Мен коллежни битирганимдан сўнг қаерга ишга борсам экан, деб ўйлардим. Туманимизда замонавий корхона ишга тушайотганини эшитиб, бу ерга келдим. Дастлаб хориклик мутахассислар иш ўргатишди. Хозирги кунда Япониянинг компьютерлаштирилган «Жуки» тўкув дастгоҳларини ўзим бошқаряпман. Ишонсизми, мен тиккан кийим-бошларни ўсмирларнинг эгинида кўрсам, гурурланиб кетаман.

Феруза ХОЛМАТОВА, тикув цехи ишчиси: — Мен коллежни битирганимдан сўнг қаерга ишга борсам экан, деб ўйлардим. Туманимизда замонавий корхона ишга тушайотганини эшитиб, бу ерга келдим. Дастлаб хориклик мутахассислар иш ўргатишди. Хозирги кунда Япониянинг компьютерлаштирилган «Жуки» тўкув дастгоҳларини ўзим бошқаряпман. Ишонсизми, мен тиккан кийим-бошларни ўсмирларнинг эгинида кўрсам, гурурланиб кетаман.

«Мен коллежни битирганимдан сўнг қаерга ишга борсам экан, деб ўйлардим. Туманимизда замонавий корхона ишга тушайотганини эшитиб, бу ерга келдим. Дастлаб хориклик мутахассислар иш ўргатишди. Хозирги кунда Япониянинг компьютерлаштирилган «Жуки» тўкув дастгоҳларини ўзим бошқаряпман. Ишонсизми, мен тиккан кийим-бошларни ўсмирларнинг эгинида кўрсам, гурурланиб кетаман.

Ойхон ЮНУСОВА, таҳлил лабораторияси ходими: — Енгил саноат коллежини битирганман. Дастлаб тўкув цехида ишладим. Мутахассислар машина мурватларини созлаш, ишга туширишга лаёқатли борлигини сезгач, шу лабораторияга ишга ўтказилди. Уни корхонамиз ойнаси, дейиш мумкин. Сабаби, ишлаб

чиқариш участкасидаги дастгоҳларда носозлик сезилса ёки бирор дастгоҳда калава ип узилса, бари бу ердаги мониторларда шундоқ кўриниб туради. Компьютерлар эса дарҳол бу носозликнинг олдини олишга киришади. Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларда бирорта ҳам қусур топилмаслигининг боиси шунда.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Нобижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ойхон ЮНУСОВА, таҳлил лабораторияси ходими: — Енгил саноат коллежини битирганман. Дастлаб тўкув цехида ишладим. Мутахассислар машина мурватларини созлаш, ишга туширишга лаёқатли борлигини сезгач, шу лабораторияга ишга ўтказилди. Уни корхонамиз ойнаси, дейиш мумкин. Сабаби, ишлаб

чиқариш участкасидаги дастгоҳларда носозлик сезилса ёки бирор дастгоҳда калава ип узилса, бари бу ердаги мониторларда шундоқ кўриниб туради. Компьютерлар эса дарҳол бу носозликнинг олдини олишга киришади. Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларда бирорта ҳам қусур топилмаслигининг боиси шунда.

Юртимиз хунармандлари орасида ҳурмат ва эътибор топаётган Рухсора Тўрақулова ҳамда унинг оиласини нуроталиклар яхши билишади. Сабаби, қадимги булоқлари ва афсонавий Нур қальаси билан дунёга машҳур Нуротанинг яна бир ёрқин қирраси — каштачилик санъатини айнан шу оила вақиллари рисоладагидек намойиш этишга муваффақ бўлишган.



КАШТАЧИННИНГ ДОВРУҒИ

даги 18-мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс бериб, ёш авлод таълим-тарбиясига муносиб ҳисса қўшган. Бундан етти йил муқаддам нафақага чиқиб, болалигидан қадрдон бўлган каштачилик сирларини мукамал эгаллашга киришди.

— Ҳозир каштадўз сўзини давом эттирар экан, — момоларимиз тиккан ёстиқ жилдлар, чойшабу сочиқлардаги ранглар, тақроланмас чизмалар тўлиқини мени хажжонга соларди. Ич-ичимдан янги чизмалар, турфа ранглар кўйилиб келарди. Баъзан тонг отгунча кўлимга қалам олиб нусха чизардим.

Истеъдод йиллар силсиласида чархланиб, алангаланиб бораверарди. Рухсора опада ана шу аланга кексалик гашти арафасида тобора ёрқинроқ нур таратди. Умр бўйи кашта тиккан момоларнинг ижодий ишларини синчиклаб ўрганди.

Уларни тушунишга, қалби билан ҳис этишга интилди. Чунончи, орзусини рўёбга чиқариш мақсадида, умр йўлдоши Облоқул Бобоқуловни ҳам каштачиликдаги муҳим жараёнга — илларни рангласига жалб қилди. Сир эмас, ранглар

Мерос

қийсини топиш мушкул. У катта куч ва ҳафсалани талаб этади. Бинобарин, Облоқул бу ишга ихлосу иштиёқ билан ёндаши. Натижада кашталарнинг хушбичим нусхаларини қалам билан чизиб, кашта ипларини бўяшда маҳорати ошарди.

— Дарахт япроқларида олам сехри яширинган, — дейди у бўёқ тайёрлаш ҳақида гапирариб. — Гилос, узум, олма баргларидан қулупнайранг бўёқ

олинади. Ёнғоқ баргларидан жигарранг, беҳи ва қизил пиёздан қизил ранг, исирикдан сариқ ранг тайёрланади. Умуман, бўзларга қадалган жимжимадор гуллар шодаси жозибасини та-

го шахрида ташкил этилган халқаро кўргазмада қатнашдилар. Ун гектарлик музей бағрида жаҳоннинг барча давлатларидан келган кўл меҳнати усталарининг ишлари намойиш этилди.

— Таъкидлаш жоизки, бу халқаро кўргазмага келганлар, аксарияти Ўзбекистон каштачилик санъатига алоҳида эътибор беришди, — дейди Рухсора Тўрақулова. Баъзилари бўзга қандай чизишимизга қизиқиб қолишди. Бир неча инглизлар ҳатто теграмда ўтириб кашта тикишга уннашди, тўри тикьяпимизни-йўқми, деб сўрашди ҳам.

Шундай қилиб нуроталик каштачи аёл Глазго ва Стерлинг шаҳарларида ўн кун давом этган кўргазмада олқиш олди, обрў-эътибор топди.

— Ҳозир ўғлим Жонибек бўзга турли русумдаги гулларни оройиш билан чизади, — дейди моҳир каштадўз. — Унинг нияти келажакда заргарлик касбининг янги очмоқчи. Қизларим кўйлак, кашта тикишда бир-биридан ўтади...

Ушбу оилага ҳавас қилса арзийди. Зеро, оддийгина ўзбек аёли эҳтиром ва эъзоз тўғрисида яратиб берилган шарт-шароитлар, имкониятлардан оқилона фойдаланиб, дунёни ҳайратга солмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигасида учинчи тур ўйинлари ортада қолди.

Дуранг мураса эмас



Ўтказилган 8 та учрашувнинг 4 тасида дуранг натижа қайд этилди. Абатта, дурангларнинг кўпайиши жамоаларнинг кучи тенглашиб бораётганидан ҳам чемпионатнинг қолган турлари янада қизиқарли ўтишидан дарак беради.

Амалдаги чемпион «Бунёдкор» Фарғонада «Нефтчи» жамоаси меҳмони бўлди. Дастлабки икки турни сафарда ўтказиб, иккаласида ҳам мағлубият аламини тотиб кўрган «Нефтчи» ўз майдонидида «Бунёдкор»га жиддий қаршилик кўрсатиши тахмин қилинган.

Аммо бу тахмин ўзини оқламади. Учрашувнинг илк дақиқаларидан бошлаб, «Бунёдкор» аъзолари Ривалдо бошличилида хавфли ҳужумлар ташкил эта бошлашди. Шу кунги стадионга ташриф бурурган ўн етти мингдан зиёд ишқибознинг тинимсиз қўллаб-қувватлаб туриши ҳам фарғоналик футболчиларга ёрдам бера олмади.

19-дақиқада чап қанотда ҳаракат қилган Жасур Ҳасанов тўпни жарима майдончаси ичига қазиб берди. Ривалдо эса ҳаводан келаётган тўпни ерга туширмастан Юрий Цой кўриқлаётган дарвозага жойлаб қўйди — 0:1.

26-дақиқага келиб, Анвар Ғофуров томонидан ҳамаси 35 метрлар масофадан берилган кучли зарба аввалига жамоалари жой олишган.

«Бунёдкор» ва «Насاف» жамоалари 9 тадан очко жамғариб, пешқадамлик қилишмоқда. Учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаб турган «Сўғдиёна» ва «Локомотив» жамоалари ҳисобида 7 тадан очко бор.

Жадвалнинг қўйи қисмидан «Бухоро» (1 очко), «Шўртан» ҳамда «Нефтчи» (0 очко) жамоалари жой олишган.

Чангичимиз совриндорлар сафида

Туркияда тоғ чангиси бўйича ўтказилган иккита халқаро турнирда муваффақиятли қатнашган терма жамоамиз аъзолари Ватанимизга қайтиб келишди.

— Мусобақаларда юз нафардан ортиқ спортчи иштирок этди, — дейди тоғ чангиси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Андрей Воронков. — Шогирдларимдан Олег Шамаев энг яхши кўрсаткичга эришди. У Греция ва Бельгия спортчиларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллади. Ксения Григорьева эса маррага тўртинчи бўлиб етиб келди.

Бухорода бокс маркази

Наврўз айёми кунларида бухоролик бокс ихлосмандлари учун ажойиб совға ҳозирланди. Бухоро шаҳридаги «Дилқушо» спорт мажмуида замонавий бокс маркази барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

«Бухоропахтасаноат» худудий акциядорлик жамияти хомийлигида қурилиб, 500 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган ушбу спорт иншооти 400 томошабин ўрнига эга. Ринг эса жаҳон андозалари даражасида.

Марказда ёш «чарм қўлқоп» усталарининг машғулот ўтказишлари, дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тез кунлар ичида бу ерда энгил атлетика ва мини-футбол билан шугулланувчилар учун ҳам қулайлик яратилади. Яқин истиқболда эса лойиҳага мувофиқ, иккита сув ҳавзаси ва кураш маркази барпо этилади. Айни пайтда эса бу ерда замонавий теннис корти ишлаб турибди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНВ матбуот маркази хабар қилади:

Сохта ишлар қош бўлди

Инсоннинг табиати қизиқ. У баъзан билиб-билимай, баъзан эса тасодифан жиноят йўлига кириб қолади. Уларни тушуниш билан. Лекин хуфийна ишлар ортидан мўмай даромад олиш илҳида онгли равишда жиноятга қўл урганларга нима дейсиз?

Жиззахлик А. Йигитали — 27 ёшда. У тенги йигитлар бунёдкорлик, буюк кашфиётлар билан шугулланаётган бир пайтда Йигитали қўлбола арақ тайёрлаб, мўмай даромад ортиришининг кетидан кувди. Жиззах шаҳрининг А. Раҳимов кўчасидаги А. Абдурахмоннинг уйи текширилганда уй соҳибининг ўғли, 1982 йилда туғилган А. Йигиталининг ноқонуний фаолияти қош бўлди. Хонадондан қўлбола арақ хом ашёси бўлган, 5 литрлик идишлардаги 774 донга этил спирт, «Тошкент махсус ароғи» ёрлиғи ёпиштирилган 403 донга тайёр қўлбола арақ, 557 донга шиша далилий ашё сифатида олинди. Мазкур ҳолат юзасидан терговолди ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Оилавий «ишбилармонлар»

Ўғирликнинг ишбилармонлика дахли йўқ. Афсуски, бу икки тушунчани бир-бири билан чалқаштирадиганлар ҳам бор экан.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида уч номаълум шахс О. Раънонинг уйини қалит танлаш йўли билан очиб, унинг ётоқхонасидан ўн турдаги заргарлик буюмларини ўғирлаб кетишди. Қўрилган тезкор чоралар тўғрисида ўғирлар ушланди. Улар Мирзо Улўбк туманида яшовчи Н. Замира, унинг Собир Раҳимов туманида яшовчи синглиси Н. Эҳра ва Тошкент туманида яшовчи укаси Н. Дилмурод бўлиб қикди. Ўғирликни «оилавий бизнес»га айлантirmoқчи бўлган олақалар энди қонун олдига жавоб берадилар.

Норали ОЧИЛОВ, ИНВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши 2009 йил 24 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ўзбекэнерго» ДАК биносида банк акциядорларининг 2008 йил натижалари бўйича умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2008 йилдаги иш якунлари тўғрисида банк кенгаши ва бошқарувининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Банкнинг 2008 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини, 2008 йилдаги харажатларини тасдиқлаш ва банкнинг фойдасини тақсимлаш.
4. Банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига акцияларнинг номнал қийматини ошириш орқали банк устава капиталини кўпайтириш ҳамда банк акцияларининг эмиссия рисолаларига ўзгартиришлар киритиш.
5. 2009 йилга банкнинг ташқи аудитор ва унинг хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш.
6. 2008 йил иш якунларига кўра, банк кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини тақдирлаш.
7. Банк кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Банк тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш.
9. Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йилга узайтириш.
10. Банк номини ўзгартириш.

11. Банкнинг янги тахирдаги уставини тасдиқлаш.
12. «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги низом (регламенти) ва «Банк кенгаши тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш.
13. Акция эгаси ёки унинг қонуний вориеси ёхуд меросхўри томонидан даъво мuddати тугаши учун белгиланган муҳлатда талаб қилиб олинмаган дивидендларни банк даромадига (ихтиёрига) ўтказиш.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини ёпиш санаси — 2009 йил 24 март.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини ёпиш санаси — 2009 йил 20 апрель.

Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжат, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахс вакиллари нотариал тасдиқланган, юридик шахс вакиллари ташкилот томонидан берилган ишончнома) билан келишларини сўрайди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади. Тегишли ахборот (материаллар) бош банкдан ва банк филиалларидан олиниши мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 120-45-07, 120-36-06.

Банк кенгаши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги ютуқли омонат сертификатлари чиқарилаётганлигини маълум қилади.

- Муомала мuddати — 13 ой.
- Номинал қиймати — 5 000 сўм.
- Фоиз ставкаси — йиллик 18% + йиллик 2% бонус.
- Фоизлар омонат сертификати сўндирилаётганда тўланади.

Ҳар бир сертификат қимматбаҳо совринлар (телевизорлар, музлаткичлар, кир ювиш машиналари, чангютичлар, компьютерлар ва бошқалар) ютуқ сифатида қўйилган ўйинда қатнашади.

Ютуқли сертификатларни Миллий банкнинг барча бўлим ва филиалларида сотиб олинг.

Ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз!

Қўшимча ахборотни қуйидаги телефонлар: 234-15-60, 234-11-22 орқали ёки банкнинг ҳар қандай бўлим/филиалида олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган

ОБ-ҲАВО (25 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 7-12 даража илик, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 7-12 даража илик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 7-12 даража илик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик кутатилмайди. Кечаси 7-12 даража илик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 7-12 даража илик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 8-10 даража илик, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориландиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментига жамоаси бўлим бошлиғи ўринбосари Абдурашид Ғафуровга падаори бузуқувори	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА жамоаси Агентлик бош ҳисобчиси Мавлуда ўрмоновага акиси	Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси Стоматология факультетининг Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори Раҳматулла Нигматовга рафиқаси
Абдусамат ҒАФУРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Тулкин ОБИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Эълнора НИГМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
«Мадад» сугурта агентлиги жамоаси Агентлик бош директори Мўмин Ашуровга укаси	Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Ўқув бўлими бошлиғи Ғуломнаби Имомназаровга укаси	«Фонон» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси жамоаси корхона бош директори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Мухсинжон Ашуровга синглиси
Мавлуда АШУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.	Ҳамидулла ИМОННАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Мавлуда АШУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ: 233-57-47. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ ФАКС: 236-09-21. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоеси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета тахририят компьютер марказида териял ҳамда операторлар **Жамшед Тоғиев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

■ -Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.25 Топширилди — 22.25

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болтев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳид — Ҳ. Топшўжаев.